



ЎЗБЕКИСТОН–ХИТОЙ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

БЕКМУРАТОВ ИСМАТ

Сиёсий фанлар номзоди, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада ХХРнинг Ўзбекистон Республикаси билан “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси доирасида олий таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ёритиб берилди.

Таянч сўз ва иборалар: ХХР, Ўзбекистон Республикаси, олий таълим, лойиҳа, ҳамкорлик.

Аннотация. В статье идет речь о взаимоотношениях Китая с Республикой Узбекистан в сфере высшего образования в рамках проекта «Один пояс – один путь».

Опорные слова и выражения: КНР, Республика Узбекистан, высшее образование, проект, взаимоотношения.

Abstract. The article deals with relations between China and Republic of Uzbekistan in high education sphere within the project “One belt – one road”.

Keywords and expressions: China, Republic of Uzbekistan, high education, project, relations.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаат, ишонч ва ҳурмат руҳида ривожланиб келмоқда. Ҳар иккала давлатнинг жаҳондаги муҳим масалаларда қарашлари бир-бирига яқин ёки ўхшаш бўлиб, БМТ ва ШХТ каби минтақавий ва халқаро ташкилотларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлик муносабатлари кенг кўлам касб этиб, стратегик шериклик алоқалари юксак даражага кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил май ойида ХХРга қилган давлат ташрифи чоғида Пекинда бўлиб ўтган “Бир макон ва бир йўл” халқаро анжуманида иштирок этиб, шундай деган эди: “Буюк ипак йўлининг иқтисодий макони” нафақат иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга, шунинг билан бирга, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам йўналтирилиши, ушбу нуфузли халқаро форум эса “Бир макон ва бир йўл” лойиҳаси доирасида, эркин фикрлар алмашилиши ва амалий ҳамкорлигимизнинг доимий мулоқот майдони бўлиб қолиши лозим”¹. Барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётган Ўзбекистон билан Хи-

той ўртасида кенг ҳамкорлик Президентимиз томонидан айtilган ушбу гапларнинг ўз вақтида айtilган муҳим ҳақиқат эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Бугунги, тез ўзгарувчан дунёда, давлатлараро муносабатлар нуқтаи назаридан, кўпчилик сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик масалалари билан бир қаторда, гуманитар ҳамкорликлар ҳам муҳим аҳамият касб этишини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Зеро, давлатлараро муносабатларда баъзан таҳликали вазиятнинг юзага келиши маданий ҳамкорликнинг эътибордан четда қолиши билан боғлиқ деб билиш лозим. Айнан гуманитар алоқалар ҳозирда ва келажакда давлатлараро дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига пойдевор бўлади. Шу муносабат билан сўнгги йилларда мамлакатимизда таълимни ривожлантириш ва модернизациялаштиришга берилаётган эътиборни шу контекстда кўриш жоиздир. Ўзбекистон Президенти 2017 йил 7 февралдаги фармонида биноан 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Бешта йўналишдан тўртинчиси – ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўлиб, бу йўналишнинг тўртинчи банди эса таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга қаратилгандир.

¹ <https://www.gazeta.uz/ru/2017/05/15/belt-road/>

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар ривожига турли соҳалар билан бир қаторда таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳа ёш авлоднинг дунёқараши, уларнинг жамиятни англаши, ўз ва қўшни давлатлар тўғрисидаги тасаввурлари шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, таълим ва маданий алмашинувлар орқали бошқа давлатни яхши билиш келгусида ташқи сиёсат йўналишини белгилаб олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида таълим соҳасидаги алоқалар қуйидаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга асосланади:

– 1999 йил 8 ноябридаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим Вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси таълим Вазирлиги ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”;

– 2004 йил 15 июнидаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим Вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси таълим Вазирлиги ўртасида Тошкентда Конфуций номли Институтни ташкил этишда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим”;

– 2013 йил 9 сентябридаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим Вазирлиги ва хитой тилини чет элларда тарғиб этиш бўйича Давлат канцелярияси “Хань-бань” ўртасида Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этишда ҳамкорлик тўғрисида Битим” шулар жумласидандир.

Икки томонлама ҳамкорлик шартномаларидан ташқари ШХТга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг дастурлари доирасида томонлар ўртасида ҳар йили талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчилар алмашинуви бўлиб келмоқда. Унда хитой тили билан бир қаторда инглиз тили, иқтисодийтимизнинг турли соҳалари эҳтиёжидан келиб чиқиб, талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчиларни тажриба алмашиш мақсадида Хитойдаги нуфузли таълим муассасаларига юборилмоқда. Бундай ҳамкорлик бугунги кунда миллий иқтисодийтимизнинг ривожига муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

Хитой томони ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг етакчи олий ўқув юртларига рус ва ўзбек тилларини ўрганиш билан бирга бакалаврият ва магистратура босқичларининг турли хил йўналишлари ва мутахассисликларида ўқиш учун талабалар жўнатмоқда.

Айтиш жоизки, дунёда Хитой ва хитой тилига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистонда хитой тилига бўлган қизиқиш Хитойда ўзбек тилига бўлган қизиқишга нисбатан анча юқори бўлиб, унда Хитойнинг бой маданияти, унинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ўсиб бориши, кишилиқ жамиятининг тинч юксалиши ва умумтараққиёт йўлидаги турли хил глобал лойиҳаларни таклиф этиши натижасида обрў-эътиборининг тобора ортиб бориши муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтказилган сўровларга кўра, бугунги Хитой кўпчилик учун, асосан, ёшлар учун карьера қилиш ва ҳаёт орзуларини рўёбга чиқаришлари мумкин бўлган давлатга айланмоқда¹. Бугун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам хитой тилини тарқатиш ва тарғиб этишда Конфуций институтлари тизими муҳим роль ўйнамоқда. Конфуций институтлари кенг кўламли хизматларни, жумладан хитой тилини ўрганишни таклиф этади. Ундаги курсларнинг кенг ёйилиш сабабларини қуйидагиларда деб биламиз:

– институтда дарс бераётган ўқитувчиларнинг асосий қисми Осмон ости² мамлакатидан синовлардан ўтиб келган бўлиб, бевосита тил соҳиблари эканлиги;

– ўқитишнинг яхши йўлга қўйилган замонавий услублари асосида дарс ўтилиши;

– аудиторияларнинг замонавий ўқув техникалари ва материаллар билан тўлиқ таъминланганлиги;

– институт ўқитувчиларининг яхши мотивацияга эгалиги ва ҳ.к.

¹ 全面深化改革: 俄文/习近平著/-北京: 外文出版社, 2014, 155 页。(Всестороннее углубление реформ, Си Цзиньпин, издательство литературы на иностранных языках. 2014. – С. 155).

² Хитой тилида “天下” (Tian xia), Конфуций фалсафасига кўра Хитой ёки бутун дунё назарда тутилади.

Конфуций институтида билим олиш истагидаги ўқувчилар сони ортиб бориб, ҳозирги кунда фақат Тошкент шаҳрининг Конфуций институтида 800 та, Самаркандда эса 400 та ўқувчи хитой тилини ўрганмоқда. Конфуций институти тизимида ўқиганлар кўп сонли грантлар ва давлат дастурларида иштирок этиб, бевосита ХХРда тил стажировкаси билан бир қаторда турли мутахассисликларда ҳам таҳсил олиш имкониятига эга бўлмоқда. Натижада, Конфуций институтларида ўқиш истагидаги ўқувчилар сони тобора ортиб бораётган бўлса, Хитойда ўзбек тилини ўқитиш масаласида вазият бироз мураккаброқ. Хитойдаги фақат айрим ихтисослашган факультетлардагина ўзбек тили ўқитилиб, Хитой раиси Си Цзинпиннинг “Бир макон ва бир йўл” ҳамкорлик лойиҳасини ўртага ташлаганидан кейин Хитойнинг Пекин чет тиллар университети, Хитой миллатлар марказий университети, Шанхай чет тиллари университети, Сиан чет тиллари университети каби олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш бошланган. Шу мақсадда Синцзянда истиқомат қилаётган оз сонли ўзбеклар (18,5 мингга яқин) билан, шунингдек, таниқли шоир Талъат Носирий бошчилик қилаётган Синцзяндаги ўзбек маданият маркази билан яқин алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш ҳаракатларини кўриш лозим. Шубҳасиз, икки томонлама таълим соҳасидаги алоқалар барқарор ривожланишига қарамай, етакчилик ва устунлик ҳали ҳам Хитой томонида бўлиб, ушбу босқичда Хитой билан, унинг замонавий таълим тизими ва тил ўргатиш дастурлари билан рақобатлашиш анча мушкул масала бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда ХХРнинг 20 дан ортиқ ўқитувчилари (волонтерлар) республикамизнинг турли олий ўқув юртларида ўз педагогик фаолиятини олиб бораётган бўлса, Хитой ёшлари эса рус ва ўзбек тилларини ўрганишлари билан бирга, баъзи мутахассисликлар бўйича ҳам таълим олмоқдалар. Дарҳақиқат, илгарилари фақат хитой тилини ўрганиш билан кифояланиб қолаётган Ўзбекистон талаба ёшлари, бугунга келиб, ХХРнинг турли нуфузли ўқув масканларида

нафақат хитой тили, балки ўзларини кизиктирган бошқа мутахассисликлар бўйича ҳам ўқимоқда. Маълумки, дунёда таълим тизими жадал глобаллашаётган бир пайтда ўзаро тажриба алмашув ва иқтисодиётимиз ривожини учун зарур бўлган соҳаларга малакали мутахассисларни етказиб бериш мақсадида ўқишни мақсадли ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Бу борада ҳам ҳамкорликнинг тизимли механизмини ташкил этиш лозим.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг 600 дан ортиқ талабалари хитой тилини асосий тил сифатида ўрганмоқда. Хитой тилини ўқитиш бўйича факультатив дарслар ва республикамиз ўқув марказларида хитой тилини ўргатишларини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу кўрсаткичлар янада юқори бўлиши табиий. Талабаларни Хитой халқининг тарихи, фалсафаси, маданияти ва анъаналари билан таништириш мақсадида Ўзбекистондаги ХХРнинг элчихонаси кўмагида юртимизнинг бир қатор олий ўқув юртларида техник ўқув жиҳозлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва мамлакатшунослик бўйича материаллар билан жиҳозланган Хитой тили ва маданияти марказлари ташкил этилди.

Хитой тили биринчи ёки иккинчи тил сифатида юртимизнинг олтига олий ўқув юртида, жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Ўзбекистон миллий университети, Фарғона давлат университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқитилмоқда.

Бугунда Тошкент давлат шарқшунослик институти турли йўналишдаги хитойшунослар, хитой тили билан бир қаторда, Хитой тарихи, иқтисодиёти, фалсафаси, сиёсати ва маданияти бўйича мутахассисларни тайёрлайдиган асосий муассаса бўлиб келмоқда.

Республикамиз олий ўқув юртлари бир қатор Хитой олий ўқув юртлари ва марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, ҳамкорлик доирасида ҳар иккала мамлакат ўқув масканларида профессор-ўқитувчи-

лар, талабалар ва ўқувчилар учун семинарлар, тренинг курслар, конференциялар ва симпозиумлар билан бир қаторда ёшлар учун ёзги лагерлар ташкил этилмоқда.

Ҳар йили республика миқёсида “Хитой кўприги”, “Хитой маданияти”, “Хитой девори”, “Хитой орзуси”, “Буюк ипак йўли”, “Бир макон ва бир йўл” каби мавзуларда хитой тили бўйича кўрик танловлар ўтказилади, ғолиблар эса ХХРда бўлиб ўтадиган халқаро кўрик танловларга йўлланма оладилар.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва Хитойнинг ZTE компанияси ўртасидаги ҳамкорлик битими имзоланган бўлиб, ҳамкорлик доирасида тармоқли маълумотлар узатиш лабораторияси фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, ҳар йили олий ўқув юрти талабалари, профессор-ўқитувчилари Навоий эркин индустриал иқтисодий зона ҳудудида жойлашган бош офисида малака ошириш имкониятига эгадирлар. Яқинда Тошкентдаги Инха университети ва “Huawei” компанияси ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган бўлиб, ҳамкорлик доирасида “Huawei” компанияси ҳар йили Тошкентдаги Инха университети бакалавриат босқичида таълим олаётган иқтидорли талабаларга турли хил грантлар ажратиш билан бирга, университет талабалари учун махсус IT курслар ва лабораториялар ташкил этиб, бизнес лойиҳаларни амалга оширишларида кўмаклашиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг жаҳондаги илғор технологияларни чуқур ўрганиш ва қўллашларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамнуният билан шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 сентябридаги 2228-сонли “Тошкент давлат шарқшунослик институтида Хитойшунослик факультетини очиш тўғрисидаги” фармониға мувофиқ, 2014 йилнинг 20 сентябридан Хитойшунослик факультети фаолият юритиб келмоқда. ХХР ҳукуматининг гранти ёрдамида Хитойшунослик факультети аудиториялари модернизация қилиниб, замонавий компьютер техникалари,

янги мебель ва электрон доскалар билан жиҳозланди. Худди шу факультетнинг ўзида грант доирасида 2016 йилда янги модернизациялаштирилган ускуналар билан жиҳозланган “Лингафон кабинет” ва “Синхрон таржима маркази” ташкил этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай саъй-ҳаракатлар туфайли институтда синхрон-таржимонлар тайёрлана бошланган бўлиб, унинг илк натижаси сифатида мамлакатимизнинг турли бурчакларида бўлиб ўтаётган халқаро анжуманлар ва ШХТ форумларида уларнинг фаол иштирокини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши (Ҳозирги Ўзбекистон ВМ ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар қўмитаси) қошидаги 34 та жамиятлардан бири бўлмиш “Ўзбекистон–Хитой” дўстлик жамияти ҳам узок йиллар давомида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшиб келган. Бир неча йиллар мобайнида “Ўзбекистон–Хитой” дўстлик жамияти Хитойнинг турдош жамиятлари ва ўқув масканлари билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг хитой тили ва маданиятига қизиқувчи ёшлари учун ХХРда қисқа муддатли тренинглар, ўқув ва сайёҳлик курсларини ташкил этиб келди.

Тошкентдаги биринчи Конфуций институти 2005 йилнинг май ойида ХХРнинг Ланчжоу университети билан ҳамкорликда очилган бўлса, 2014 йилнинг ноябрь ойида Самарканд чет тиллар институти қошида ҳам Шанхай чет тиллар университети билан ҳамкорликда яна битта Конфуций институтига асос солинди.

2017 йил 19 майдаги 2982 сонли ПҚ га биноан, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий, транспорт-алоқалар ва маданий-гуманитар ҳамкорликни амалга ошириш ва янада кенгайтириш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Ушбу йўл харитаси доирасида Али-

шер Навоий номли Самарканд Давлат университети бинолари мажмуасида Конфуций ёдгорлигини ўрнатишга қарор қабул қилинди. Яқинда Хитойнинг Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТнинг 18-саммитида Президентимизнинг Самарканд шаҳрида ШХТнинг “Ипак йўли” халқаро сайёҳлик университетининг очилиши¹ ҳақидаги ташаббуси барча аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланганлиги нафақат Ўзбекистон ёшлари, балки ШХТга аъзо бошқа давлатлар ёшлари учун ҳам улкан совға бўлди десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Ушбу қарор келажакда дунё ҳамжамиятини Ўзбекистоннинг бой маданияти ва тарихи билан таништириш ҳамда юртимиз сайёҳлик соҳсининг ривожланишида яна бир муҳим омил бўлиб хизмат қилиши тайин.

Таъкидлаш жоизки, Хитой Миллатлар Марказий университети, Пекин чет тиллар университети ва Шанхай чет тиллар университетида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш бошланган бўлиб, Шанхай университети ҳузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институтида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашинувлари маркази муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой шимоли-ғарбий университети археологик тадқиқотлар ва тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш бўйича ўзбек ҳамкасблари билан фаол ҳамкорлик қилиб, Буюк ипак йўлини қайта тиклаш лойиҳаси доирасида саъй-ҳаракатларни ҳам шу йўналиш билан боғлаш жоиз.

Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий каби мутафаккирларимизнинг илмий ижодлари билан Хитой ўқувчилари яхши таниш бўлиб, хитой ёзувчиси Лао Шэнинг “Мушуклар салтанати”, “Учлик салтанати” асари, Конфуцийнинг “Лун юй” китоби, Лао Манинг “М. М. Бахтин карнавали”, Цзин Цанжуннинг “Буюк давлат масъулияти: хитой ис-

тиқболи”, “Хитой болалар адабиёти намуналари” кабилар ўзбек тилига таржима қилинган. Улар ўзбек китобхонларини нафақат Хитой адабиёти, маданияти ва тарихи балки хитойликларнинг кундалик ҳаёт фаолияти билан яқиндан танишишга ёрдам беради.

Шуниси қувонарлики, кейинги йилларда ўзбек олимлари ҳам бирин-кетин Хитой ҳақидаги ўзларининг тадқиқот натижаларини нашр қилмоқдалар. Ўзбек хитойшунос олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг қисқача таҳлили ТошДШИнинг “Шарқшунослик” журналида “Хитой ўзбек хитойшунослари тадқиқотларида” мавзусидаги мақолада чоп этилган². Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотлар улкан уммондан бир томчи, холос. Хитойшунослик соҳаси Ўзбекистон олимлари учун ҳали тўлиқ очилмаган кўриқ бўлиб, машаққатли меҳнат талаб қилади.

Хитой китобхонларини ўзбек халқининг ижтимоий ҳаёти билан таништириш мақсадида Хитойда машҳур шоир ва ёзувчиларимиз Абдулла Каҳҳорнинг “Қисқа ҳикоялар тўплами” (1953), Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” (1990), Ойбекнинг “Навоий” (1999, 2005), Одил Ёқубовнинг “Виждон” (1982) каби асарлари хитой тилига, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” (1982), “Меҳробдан чаён” (1983, 1990), Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” (1985), “Виждон” (1988), Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” (1989), Абдулла Ориповнинг “Танланган шеърлар тўплами” (1989), Пиримқул Қодировнинг “Хумоюн” (1999) ва Саъдулла Сияевнинг “Аҳмад Яссавийнинг сўнги сафари” (2008) каби асарлари эса уйғур тилига таржима қилингани алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Академик Аҳмадали Асқаровнинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” китобини ҳам бугунги кунда хитой тилига таржима қилиш бошлангани қувонарли ҳолдир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида гуманитар

¹ <http://stv.uz/news/newsamar/9120-v-samarkande-otkroetsya-universitet-turizma-shos.html>

² Шазаманов Ш. Хитой ўзбек хитойшунослари тадқиқотларида // Шарқшунослик, № 4. – Т.: ТошДШИ, 2015.

соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифларни беришимиз мумкин:

Биринчидан, икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни доимий тарзда олиб бориш;

Иккинчидан, Ўзбекистонда Хитойнинг нуфузли ўқув масканларининг энергетика, экология, IT технология ва нанотехнология каби соҳаларидаги филиалларини очиш;

Учинчидан, гуманитар ҳамкорликни янада кучайтириш учун мутахассислар ва хитойшунос олимлар иштирокида махсус ҳамкорлик фонди ёки марказини ташкил этиш, аниқ вазифаларни белгилаб олиш;

Тўртинчидан, ҳамкорликдаги йиллик иш режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизминини аниқлаш;

Бешинчидан, қўшма кўргазмалар, учрашувлар, турли хил анжуман ва семинарлар

ташкил этиш ва улар берган хулоса ва таклифларни ўрганиб, уларни амалга ошириш;

Олтинчидан, мамлакатимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирларининг асарлари, бой маданиятимизни тарғиб этувчи китобларни ўзбек тилидан хитой тилига, худди шундай, хитой адибларининг китобларини ўзбек тилига таржима қилиш;

Еттинчидан, республикамызда Ўзбекистон ва Хитой ёшларининг турмуш тарзини ёритувчи икки тилли “Ёшлар” журналининг таъсис этиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларида сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ҳамкорлик билан бир қаторда гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам муҳим роль ўйнаб, халқаро муносабатларда ижтимоий ва маънавий база яратишда алоҳида аҳамият касб этади.

